

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДА ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ”

илмий-амалий анжуман

МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

24-25 май
I-ҚИСМ



Наманган-2017

13.	ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ПЕРЕРАБОТКИ ХЛОПКА–СЫРЦА С ЦЕЛЬЮ СОЗДАНИЯ НЕПРЕРЫВНОЙ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ПОТОЧНОЙ ЛИНИИ <i>Р.Т.Газиева, Ж.Ж.Рахимов (ТИИМ), А.П.Байдюк (ЮРГПУ (НПИ))</i>	337
14.	НСЭ ВА АБ БАЛАНСИДАГИ МЕЛИОРАТИВ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДА ДИСТАНЦИОН БОШҚАРУВ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ <i>Р.Т.Газиева, Ж.Ж.Рахимов, Д.Камолов (ТИМИ)</i>	339
15.	К ВОПРОСУ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА ПРИ ВНЕДРЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВ АВТОМАТИЗАЦИИ И ИКТ НА ВОДОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЪЕКТАХ <i>Н.Азизова (ТИИМ)</i>	343
16.	КИЧИК ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ <i>Ш.Абдурахмонов (ТДАУ)</i>	346
17.	ОЗУҚАЛАРНИ МАЙДАЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Ш.Абдурахмонов (ТДАУ)</i>	348
18.	МЕВА-УЗУМНИ ҚУРИТИШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. <i>доц. Т. Л. Худайбердиев, мад. З.Узоқова, талаба А.Эргашев (НамМТИ)</i>	350
19.	МУРАББО ПИШИРИШ ТЎҒРИСИДА <i>доц. Т. Л. Худайбердиев, мад. З.Узоқова, талаба З.Жўраева (НамМТИ)</i>	353
20.	МЕВА-САБЗАВОТ, УЗУМ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХУДУДЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИ ЎТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. <i>И.Р.Нуритов, Н.Э.Абдиев (ТДАУ)</i>	356
21.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКИЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ <i>асс. У.С. Бердимуродов, А.А.Бозорбоев (ТДАУ), асс. Ж.Д.Авазов– ТермДУ</i>	362
22.	АГРАР СОҲАДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ. <i>асс.У.С. Бердимуродов, талаба Д.Исломов (ТДАУ)</i>	365
23.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ <i>асс.У. Бердимуродов (ТошДАУ), асс Ж. Авазов (ТермДУ), А.Рустамова (ҚХ ва ТКХК)</i>	369
24.	ЗАЙТУНЧИЛИК СОҲАСИДА ИШЛАР ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ <i>доц. Х.Хушвақтова (ЎДЖТУ)</i>	371
25.	МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК <i>проф.Д.Ёрматова, доц. Х.Хушвақтова (ТДЖТУ), Х.Хурамова (НамМТИ)</i>	374
26.	ФИЗИКО–ХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТУРБИННОГО МАСЛА ПОЛУЧЕННОГО ИЗ МЕСТНЫХ НЕФТЕЙ <i>Маннонов Ф.С., Игамкулова Н.А., Зиядуллаев О.Э. (ТХТИ)</i>	377
27.	ВВЕДЕНИЕ ДЕПРЕССОРНЫХ ПРИСАДОК К МАСЛАМ И УЛУЧШЕНИЕ ИХ КАЧЕСТВА <i>Маннонов Ф.С., Комилов О.О., Игамкулова Н.А., Зиядуллаев О.Э. (ТХТИ)</i>	379
28.	КАПРОФАГЛАР АСОСИДА ОЗУҚА ЕМИ ҚЎШИМЧАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ <i>Хўжамшукуров Н., Нурмухамедова В., Газиева Ш., Нормўминов А. (ТКТИ)</i>	381
29.	ҒАЛЛА АГРОБИОЦЕНОЗИДАГИ ТАБИИЙ КУШАНДАЛАРНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШДАГИ	

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКИЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*асс. У.С. Бердимуродов, А.А.Бозорбоев (ГДАУ)
асс. Ж.Д.Авазов – ГермДУ*

Аннотация

Мақолада бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бошқарув самарадорлигини оширишдан келиб чиққан ҳолда унинг назарий ривожланиши, меҳнат ресурсларини шаклланиш хусусиятлари, улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш услубияти, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқиш, унинг тақсимоли, бандлиги, мотивацияси, салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш жиҳатларига урғу берилиб, ушбу муаммоларни ечишнинг асосий вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг юртни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини танлади. Буни иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлардан, хусусан, мамлакатимизни аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган индустриал давлатга айланиб бораётганлигидан яққол кўришимиз мумкин. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзида кенг қўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда. Республикамизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган оқилона сиёсат олиб борилаётганлиги туфайли, пахта етиштиришнинг барқарор ҳажми сақланган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Бу борада юртимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг ўрни беқиёсдир.

Бугунги кундаги фермер хўжаликлари замонавий техника сирлари ва маҳсулот етиштиришнинг илғор технологияларини пухта эгаллаган мутахассислар раҳбарлик қилаётган йирик хўжаликлардир. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан бирга, уларни қайта ишлаб, чет элга экспорт қилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш билан бирга, у ерда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг оптимал чора-тадбирларини ишлаб чиқишни тақазо этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий муаммоларидан бири меҳнатга яроқли қишлоқ аҳолиси бошқарувини такомиллаштириш асосида уларни иш жойлари билан таъминлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш

хисобланади. Аҳолини бандлигини таъминлаш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, нафақат саноат иқтисодиётини балки, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу муаммони Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида “Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда... ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади”[1].- деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги тармоғида меҳнатни ва меҳнат муносабатларини ташкил этиш нафақат республикамиз даражасида, балки иқтисодий минтақалар даражасида ҳам ўзининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига эгадир. Бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги тармоғида банд бўлган меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган ижтимоий меҳнат муносабатларини бозор иқтисодиёти талаблари асосида шакллантиришни долзарб муаммо қилиб қўймоқда. Бунинг ечими юртимизнинг ҳар бир иқтисодий минтақасида меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва уни таъминлаш хусусиятларига бевосита боғлиқликда деб ўйлаймиз.

Маълумотлардан биламизки, қишлоқ хўжалиги тармоғи миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, унинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти яппи миллий маҳсулотнинг 16,8 фоизини ташкил этади.

Бу муаммонинг долзарблигини ифодаловчи яна бир асосий омиллардан бири, қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларини юқори даражада ўсиб бориши билан бирга меҳнатни ташкил этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш тизимининг тўлақонли ишлаб чиқилмаганлигида деб биламиз.

Республикада бозор қонуниятлари талаблари асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш уни бошқариш асосида ишлаб чиқариш жараёнини такрор ташкил этиш ва уни самарадорлигини ошира бориш билан бевосита боғлиқдир. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш меҳнат ресурслари категориясини эволюцион ривожланишини, қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини шаклланиш хусусиятларини, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва уни бандликка таъсир, қишлоқ хўжалигида меҳнатни мотивациялаш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш, унга таъсир этувчи омиллар, бозор иқтисодиёти

механизми, умумлашган мажмуа тарикасида илмий назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқот объекти бўлмаганлиги уни долзарблигини ифодалайди.

Кўтарилган муаммо бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бошқарув самарадорлигини оширишдан келиб чиққан ҳолда унинг назарий ривожланиши, меҳнат ресурсларини шаклланиш хусусиятлари, улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш услубияти, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқиш, унинг тақсимооти, бандлиги, мотивациялаш, улардан самарали фойдаланиш салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш имкониятлари Республикада иқтисодий тақомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларнинг устувор йўналишларига мос келади.

Шунга асосан асосий муаммо бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бошқарувини талаб ва тақлиф қонун асосида ташкил этиш, унинг қишлоқ хўжалигида шаклланиш хусусиятлари, самарадорлигини аниқлаш услубияти, қишлоқ аҳолиси такрор ишлаб чиқаришни бандликка таъсири, меҳнат ресурсларидан фойдаланишга таъсир этувчи омиллар, улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишда бозор иқтисодий механизмининг ўрни, меҳнат ресурслари бошқарувини тақомиллаштириш, бандлигини таъминлаш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича назарий ҳамда таҳлилий хулосалар, услубий ишланмалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади ва у қуйидагилардан ташкил топади:

- меҳнат ресурсларининг эволюцион ривожланишини назарий жиҳатдан асослаш;
- қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурслари шаклланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда асосий иқтисодий қонун бўлган талаб ва тақлиф асосида кўриб чиқиш;
- иқтисодий тармоқнинг ривожланиш шароитида қишлоқ хўжалиги аҳолисининг такрор ишлаб чиқариш билан бандликка таъсирини ўрганиш;
- бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигининг меҳнат ресурсларини бошқариш зарурлигини асослаш;
- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларининг ўзига хос тақсимооти ва бандлигини аниқлаш;
- қишлоқ хўжалигида меҳнатга бўлган эҳтиёжнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаб бериш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омилларини аниқлаш ва уларни бир тизимга келтириш;

- қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ишчи кучлари билан таъминлашнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг тегишли чоратадбирларини ишлаб чиқиш;

- меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда бозор иқтисодиёти механизмларининг ўрнини аниқлаш;

- бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш ҳамда ижтимоий меҳнат муносабатларини ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- иқтисодий сектор ривожланиш шароитида қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларининг бошқарувини такомиллаштириш асосида уларни бандлигини таъминлаш йўллариини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

- қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш бўйича тегишли илмий-назарий хулосалар ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш.

АГРАР СОҲАДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ.

асс.У.С. Бердимуродов, талаба Д.Исломов (ТДАУ)

Аннотация

Мақолада бозор муносабатлари шароитида қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари бошқарув самарадорлигини оширишдан келиб чиққан ҳолда унинг назарий ривожланиши, меҳнат ресурсларини шаклланиш хусусиятлари, улардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш услубияти, меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқиш, унинг тақсимоли, бандлиги, мотивацияси, салоҳиятини ошириш билан боғлиқ бўлган захираларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш жиҳатларига урғу берилиб, ушбу муаммоларни ечишнинг асосий вазифалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг юртни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг ўзига хос йўлини танлади. Буни иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлардан, хусусан, мамлакатимизни аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган индустриал давлатга айланиб бораётганлигидан яққол кўришимиз мумкин. Қишлоқ